

# БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

(2023 йил III чорак якуни бўйича)

---

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТИ ДЕПАРТАМЕНТИ

## Кредитлаш ва кредит портфелининг сифати


Жорий йилнинг 9 ойи давомида банклар томонидан **184 трлн** сўм миқдорда ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30 фоизга кўп кредитлар ажратилган.

Мазкур кредитларнинг **59 фоизи** (109 трлн сўм) корпоратив ва **41 фоизи** (75 трлн сўм) аҳолига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади (1-диаграмма).

Шунингдек, кредитларнинг 24 фоизи қисқа муддатли ва 76 фоизи узоқ муддатли, валюталар қирқимида эса, 69 фоиз кредитлар миллий валютада ва 31 фоизи хорижий валютада ажратилган.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38 фоизга кўпроқ кредитлар сўндирилган бўлиб, бу кўрсаткич **134 трлн** сўмга етган.

1-диаграмма




Банкларнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **452 трлн** сўмни ташкил этиб, уларнинг **69 фоизи** корпоратив кредитлар, **31 фоизини** чакана кредитлар ташкил этган (2-диаграмма).

Жами кредит портфели ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ёки 89 трлн сўмга, хусусан, корпоратив кредитлар **15 фоизга** (40 трлн сўм) ва аҳоли кредитлари **54 фоизга** (49 трлн сўм) кўпайган.

Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида автокредитлар **40,8 трлн** сўмга (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробарга ўсган), ипотека кредитлари **55 трлн** сўмга (26 фоизга ўсган) ва микроқарзлар **22 трлн** сўмга (63 фоизга ўсган) етган.

2-диаграмма




Маълумот учун: Юқоридаги диаграммада келтирилган солиштирма саналарда кредит портфелининг энг юқори ўсиши сўнгги 12 ой давомида (24,4 фоизга ўсган) кузатилган.

2022 йилнинг мос даврига нисбатан миллий валютадаги кредитлар **30 фоизга** ўсган бўлса, хорижий валютадаги кредитлар **18 фоизга** ўсган.

Бугунги кунда банклар жами кредит портфелининг **долларлашув даражаси 45,2 фоизни** ташкил этиб, 2022 йил мос даврига нисбатан **2,3 фоиз бандга** пасайган (3-диаграмма).

Мазкур ҳолат хорижий валютадаги кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоиз бандга ошиб, **90 фоизни** ташкил этганлиги ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банклар томонидан ажратилган кредитлар таркибида хорижий валютадаги кредитлар улуши 35 фоиздан 31 фоизгача пасайганлиги билан изоҳланади.

3-диаграмма




### Кредит портфели сифати

Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **3,7 фоизни** (16,8 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1 фоиз** бандга пасайган.

Бунда, корпоратив кредитларнинг NPL қисми мос равишда **0,5 фоиз** бандга пасайиб, **4,2 фоизни**, чакана кредитларда эса **2 фоиз** бандга пасайиб, **2,6 фоизни** ташкил этган (4-диаграмма).

4-диаграмма




Ҳисобот санасига NPLнинг 60 фоизини **миллий валютадаги** ва 40 фоизини **хорижий валютадаги** кредитлар ташкил этса, мижозлар қирқимида 22 фоизи **жисмоний шахслар** ва 78 фоизи **корпоратив мижозлар** ҳиссасига тўғри келади (5-диаграмма).

**Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда** NPL улуши **2,6** фоизни ташкил этиб, бунда истеъмол кредитлари бўйича **8,5** фоизни (75 млрд сўм), ипотека кредитларида **1,5** фоизни (804 млрд

сўм), микроқарзларда **1,6** фоизни (336 млрд сўм) ва автокредитларда **0,7** фоизни (273 млрд сўм) ташкил этган.

5-диаграмма



Кредит қўйилмаларида NPL улуши **тармоқлар қирқимида** уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда **9,2** фоиз, савдо ва умумий хизмат соҳасида **7,7** фоиз, қурилиш соҳасида **7,6** фоиз, қишлоқ хўжалигида **5,7** фоиз ва саноат соҳасида **3,6** фоиз даражасида шакллланган (6-диаграмма).

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тармоқлар кесимида NPL улуши уй-жой коммунал хизматлар соҳасида **3,3 фоиз** бандга ошган бўлса,


қурилиш соҳасида **2,4 фоиз** бандга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида **0,9 фоиз** бандга ҳамда қишлоқ хўжалигида **0,6 фоиз** бандга пасайган.

6-диаграмма



Тижорат банклари кредит портфелидаги NPLнинг улуши бўйича гуруҳланганда **24 та банкда** 3 фоизгача (банк тизими жами активларида улуши 40 фоиз), **4 та банкда** 3,1 фоиздан 5 фоизгача ораликда (банк тизими жами активларидаги улуши 43 фоиз) ва **7 та банкда** 5,1 фоиздан юқори бўлиб, уларнинг жами активлардаги улуши 17 фоизни ташкил этган (7-диаграмма).

7-диаграмма



Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тизим бўйича NPLнинг камайиши натижасида NPL улуши 3,1 фоиздан юқори бўлган банкларда NPL 3 фоиздан паст гуруҳга кўчиши кузатилган.

Бунда, кредит портфелидаги NPL улуши 3,1 дан 5 фоизгача бўлган банклар сони 8 тага, 5,1 фоиздан юқори бўлганлари сони эса 3 тага камайган.

Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида банклар томонидан шакллантирилган жами захиралар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26 фоизга** ошган.

Банкларда муаммоли кредитларнинг захиралар билан қопланиш даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26 фоиз бандга ошиб, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **110,2 фоиз** даражасида шаклланган.

Соф NPL<sup>1</sup>нинг капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,0 фоиз** бандга камайиб, **9,9 фоиз**ни ташкил этган (8-диаграмма).

8-диаграмма




### Ликвидлик

2023 йил 1 октябрь ҳолатига банкларнинг жами депозитлари қолдиғи **221 трлн сўм**ни ташкил этиб, уларнинг **38 фоизи** аҳоли ва **62 фоизи** юридик шахслар маблағлари ҳисобидан шаклланган (9-диаграмма).

Бунда, ўтган йил мос даврига нисбатан миллий валютадаги аҳоли депозитлари **48 фоизга**, хорижий валютадаги депозитлар эса **31 фоизга** ўсган.

Жами депозитлар қолдиғи таққосланаётган давр мобайнида **15 трлн сўм** ёки **7 фоизга** ўсган бўлсада, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда **45 фоиздан 42 фоизгача** пасайган.

9-диаграмма




Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,8 фоиз** бандга камайиб, ҳисобот

<sup>1</sup>Захиралар чегирилган ҳолда NPL қолдиғи

санасига **13,6** **фоизни** ёки **84** **трлн** сўмни ташкил этган (10-диаграмма).

10-диаграмма




Юқори ликвидли активлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайиши мижозларнинг хорижий валютадаги депозит маблағлари **16,8** **трлн** сўмга (19 фоизга) камайиши ҳисобига юз берган.

Банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи **ликвид-ликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR)** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **50** **фоиз** бандга камайиб,

**162** **фоизни** ташкил этган. Бунда, банкларнинг 30 кундаги соф чиқимлари **1** **фоизга**, юқори ликвидли активлар суммаси эса **26** **фоизга** камайган (11-диаграмма).

11-диаграмма



Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – **соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 фоиз бандга пасайган ва **111,4** **фоизни** ташкил қилган (12-диаграмма).

Мазкур ҳолат банкларда барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси **19** **фоизга** ва

барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси эса **24 фоизга** ошганлиги билан изоҳланади.

12-диаграмма




### Рентабеллик кўрсаткичлари

2023 йил III чорак якуни бўйича тижорат банкларида соф фойда **8 трлн сўм**ни ташкил этган.

Бунда, банклар томонидан 2023 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида **93,4 трлн сўм** миқдоридан **даромадлар** олиниб, **85,4 трлн сўм**лик **харажатлар** амалга оширилган.

13-диаграмма




Соф фойданинг ўзгаришига **соф физли (+3,4 трлн сўм)** ва **физсиз даромадлар (+5,6 трлн сўм)** **ижобий** таъсир кўрсатган бўлса, **операцион харажатлар (-3,6 трлн сўм)** ва эҳтимолий йўқотишларга қарши **захиралар (-4,4 трлн сўм)** **салбий** таъсир кўрсатган (13-диаграмма).


Натижада, капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи **12,7 фоиз**, активлар рентабеллиги (ROA) эса **2,4 фоиз** даражасида шаклланган (14-диаграмма).



14-диаграмма



15-диаграмма



Операцион самарадорлик (CIR) кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоиз бандга ошиб, **31,4 фоизни** ташкил этган.

Бунда, тизимнинг **операцион харajatлари 14 трлн сўмни** ҳамда **операцион даромадлари** (соф фоизли ва фоизсиз даромадлар) **43 трлн сўмни** ташкил қилган (15-диаграмма).